


Муҳаммад ибн Масламанинг танқиди

Image not found or type unknown



12:42 / 05.02.2025 2673

Ибн Асокир Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Масжид томон юрдим. Сарпо кийиб олган бир қурайшлик одамни кўрдим ва:

«Буни сенга ким кийгизди?» дедим.

«Мўминларнинг амири», деди.

Ундан ўтиб, бир оз юрганимдан кейин яна бир сарпо кийиб олган қурайшлик одамни кўрдим ва:

«Буни сенга ким кийгизди?» дедим.

«Мўминларнинг амири», деди.

Ундан ўтиб, бир оз юрганимдан кейин пастроқ сифатли сарпо кийиб олган ансорий одамни кўрдим ва:

«Буни сенга ким кийгизди?» дедим.

«Мўминларнинг амири», деди.

У (Муҳаммад ибн Маслама) масжидга кириб, баланд овоз билан такбир айтди ва:

«Аллоҳу акбар! Аллоҳ ва Унинг Расули рост айтди! Аллоҳу акбар! Аллоҳ ва Унинг Расули рост айтди!» деди.

Умар розияллоҳу анҳу унинг овозини эшитди ва унга «Олдимга кел», деб одам юборди. У икки ракъат намоз ўқиб олиб, кейин боришини айтди. Умар воситачини яна қайтариб юбориб, «Келишингни азм қилдим», деди.

У келганда Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анҳу: «Мен ҳам ўзимча икки ракъат намоз ўқимасдан туриб, унинг олдига бормасликка азм қилдим», деди. Бас, Умар розияллоҳу анҳу келиб, унинг ёнига ўтирди. Намозини ўқиб бўлганидан кейин унга:

«Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозгоҳларида овозингни кўтариб, такбир айтганингни ва «Аллоҳ ва Унинг Расули рост айтди!» деганингни хабарини айт. Бу нима?» деди.

«Эй мўминларнинг амири, масжид томон юрдим. Йўлимда сарпо кийиб олган қурайшлик Фалон ибн Фалонни учратдим ва:

«Буни сенга ким кийгизди?» дедим.

«Мўминларнинг амири», деди.

Ундан ўтиб, бир оз юрганимдан кейин сарпо кийиб олган қурайшлик Фалон ибн Фалонни учратдим ва:

«Буни сенга ким кийгизди?» дедим.

«Мўминларнинг амири», деди.

Ундан ўтиб, икки сарподан пастроқ сифатли сарпо кийиб олган Фалон ибн Фалон ансорийни кўрдим ва:

«Буни сенга ким кийгизди?» дедим.

«Мўминларнинг амири», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Огоҳ бўлинглар! Албатта, сизлар мендан кейин бировни бировдан устун кўришни кўрасизлар», деганлар. Ўша нарса сенинг қўлинг-ла бўлишни хоҳламадим, эй мўминларнинг амири!» деди.

Умар розияллоҳу анҳу йиғлаб юборди ва «Астаффируллоҳ! Энди қайтармайман», деди. Ўша кундан кейин бирорта қурайшликни бирорта ансорийдан афзал кўрмади».

Муҳаммад ибн Маслама ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг энг ишончли тафтишчилари эди. У киши Муҳаммад ибн Масламани энг нозик ишларни, хусусан, амирлар устидан тушган аризаларни тафтиш қилиш учун юборар эдилар. Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анҳу эса бундай ишларни ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу кутганларидан ҳам аъло даражада адо этиб келар эди.

Бу сафар ушбу дақиқ тафтишчининг панжасига Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ўзлари тушиб қолдилар. Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анҳу ўз виждони амрига биноан тафтиш юритди. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари томон юриб бораётиб, йўлда одатдагидан бошқача кийимлар кийиб олган кишиларни кўрдилар. Улардан кийимлари ҳақида сўраб билдилар. Шу билан бирга, унинг тафтишчилик қобиляти ўз-ўзидан ишга тушиб, бировнинг, ҳатто адолати ила тилларда дoston бўлган халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ҳам хаёлларига келмаган нозик нарсаларни илғаб олдилар. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўзларига яқин бўлган муҳожирларга ансорийларга қараганда яхшироқ, сифатлироқ кийимлар совға қилган эдилар. Албатта, совға бермоқчи бўлган одам кимга нимани хоҳласа, ўшани беради. Аммо раҳбарнинг, халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг жамият мулкидан бўлган нарсаларни бу хилда ҳадя қилишга ҳақлари йўқ эди. Шунинг учун Муҳаммад ибн Маслама масжидга кириши билан Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан адолатсизлик содир бўлганини, унга билдирадиган даражада баланд овоз билан айтиб, дод солди.

Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анҳунинг кимлигини ҳеч ким билмаса ҳам, ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу яхши билар эдилар. Шунинг учун у киши ўзларини қўйишга жой топа олмай қолдилар. Муҳаммад ибн Масламанинг нимадан норози эканлигини тезроқ билишга шошилиб

қолдилар ва уни ҳузурларига чорлаб, одам юбордилар.

Лекин Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анҳу ҳам анойилардан эмас эди. Халифага хушомад эмас, тафтишчилик қилмоқчи эди. Шунинг учун халифа икки марта одам юборса ҳам бормай, намозини ўқийверди. Бу эса Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ташвишларини яна ҳам оширди. Энди у киши Муҳаммад ибн Масламани чақириш у ёқда турсин, унинг намоз ўқиётган жойига ўзлари келиб олдилар ва намоз ўқиб бўлишини кута бошладилар.

Муҳаммад ибн Маслама розияллоҳу анҳунинг аччиқ танқидларидан кейин дунёдаги энг кучли жамиятнинг раҳбари, забардаст халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўз хатоларини тан олиб, дарҳол тавба қилдилар. Шу билан бирга, ўша хатони қайта такрорламасликка ваъда бердилар ва ваъдаларининг устидан чиқдилар.

Бундай ишни қилиш учун масъул киши иймонли, ихлосли бўлиши керак эди.

Бундай ишни қилиши учун масъул киши Аллоҳ таолодан қўрқадиган бўлиши керак эди.

Бундай ишни қилиши учун масъул киши Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бўлиши керак эди!

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 21-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 сентябрдаги 0307/7030-сонли тавсияси билан чоп этилган.